Ушбу сонда:
2 РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР
3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ
4 МЕҲР-ШАФҚАТ МАСКАНИ

26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ · ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 16 ноябр, сешанба № 183 (1816)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий табрик ва қалб тилакларини изҳор этишдан бағоят мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда қодир Аллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, бутун ислом умматига муваффақият, тинчлик ва қут-барака ато этишини сўраб қоламан.

Энг эзгу истак ва юксак эҳтиром ила,

**Биродарингиз Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Қутлуғ Рамазон ҳайити кунларида Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан биродарона эзгу истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Ушбу қувончли айёмда Аллоҳ таолодан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига бундай саодатли онларни ривож ва муваффақиятлар ила такрор этиши ҳамда ислом умматига юксалиш ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Биродарингиз Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ас-САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Миллий гвардия қўмондони**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқи ҳамда бутун мусулмон умматига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Энг эзгу тилак ва юксак эҳтиром ила,

**Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларимни изҳор этишдан бағоят бахтиёрман.

Аллоҳ азза ва жалладан Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига осойишталик ва равнақ, ислом умматига қут-барака ато этишини сўраб қоламан.

**Қобус бин САИД,
Уммон Султони**

## МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

*Ҳур ўзбекистонимизда ўз касбининг чинакам усталари, тадбиркор ва ташаббускор кишилар жуда кўп. Улар шахсий ибратлари билан ҳамкасбларини ҳамиша олға ундашади, касб сирларини ёшларга қунт билан ўргатишади. Узун туманидаги «Пахта» ҳиссадорлик жамиятининг тўқув цехи ишчиси Дилноза Маликмуродова сифатли маҳсулот тайёрлашда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Пастдаги суратда эса Шаҳрисабздаги машина-трактор парки акциядорлик жамияти токари Бахтиёр Бердиёров.*

**И. ҲАСАНОВ олган суратлар**





## СОВРИНДОРЛАР

Москва шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтган «Олтин япроқ» халқаро турнирида ўн уч мамлакатдан 130 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Ўзбекистонлик иқтидорли гимнастикачи - Ульяна Трофимова кўпкураш беллашувларида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритди. Ҳамюртларимиздан Жамила Раҳматова, Гўзал Мухторова, Марта Растобурова кучли бешликдан жой олди.

* * *

Россия пойтахти Москва шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтган жаҳон кубоги мусобақасида Антон Бадиков ҳамда Абдуғани Абдураҳимов тайёрлаган спортчилар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ўзбекистонлик кикбоксингчилардан - Шаҳбоз Убайдуллаев, Нуриддин Нуриддинов, Бахтиёр Усмонов олтин медаль соҳиби бўлди. Сардор Қодировга кумуш медаль насиб қилган бўлса, Жасур Ўроловнинг чиқишлари бронза медалга лойиқ топилди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОНДА 2004 ЙИЛ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 3-моддасига биноан, сайловлар қатъий белгиланган – декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.***

2004 йил 26 декабр куни Олий Мажлисга, ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида йирик ва муҳим воқеалардан бири бўлади.

Бўлажак Олий Мажлисга сайлов аввалги ўтказилган парламент сайловларидан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

1.Агар аввалги сайловлар Олий Мажлис томонидан тайинланган бўлса, янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов компанияси бошланганлигини эълон қилиш сайлов бир кунда ўтказилиши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

2.Агар аввал Олий Мажлисга сайлов ўтказиш 250 та сайлов округини ташкил этишни талаб қилган бўлса, энди эса Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов 120 та сайлов округи бўйича ўтказилади.

3.Олий Мажлиснинг юқори ҳамда ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланган «Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Сенат аъзоларини рўйхатга олиш ва ҳоказолар Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилди.

4.Фуқароларнинг сайловда иштирок этиш масаласида ҳам қонун талаблари ўзгарган. Мамлакатимиз ҳудудида камида беш йил мунтазам истиқомат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

5.Агар аввал сайлов ўтган деб ҳисоблаш учун сайловчиларнинг ярми ҳозир бўлиши зарур бўлган бўлса, энди бу учун сайловчиларнинг 33 фоизи қатнашиши талаб этилади.

6.Қонунчилик палатаси депутатлари бевосита сайловчилар томонидан тўғридан-тўғри яширин овоз бериш орқали сайланса, Сенат аъзолари жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида халқ депутатлари вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси), туман, шаҳар Кегашларига сайланган депутатлар орасидан муқобиллик асосида ҳар бир вилоятда олти нафардан Сенат аъзолари сайланади.

**Зумрад ЙЎЛДОШЕВА,
ҳуқуқшунос**

*(Давоми бор)*

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**26- савол. Сайлов органлари қандай орган?**

Сайлов органлари сайловни ташкил этадиган, уларнинг ўтказилиши устидан кузатадиган ва сайлов натижаларини умумлаштирадиган органдир.

**27- савол. Сайлов органларининг ташкил этилиш тартиби барча давлатларда бир хилми?**

Йўқ, бир хил эмас, улар турличи ташкил этилади ва турлича фаолият юргизади. Масалан, айрим давлатларда марказий сайлов органи вазифасини Ички Ишлар Вазирлиги бажаради (Англия, Франция, Италия), айрим давлатларда эса, хусусан Лотин Америкаси давлатларида сайлов трибуналлари, бошқа давлатларда эса махсус сайлов комиссиялари тузилади (Германия, Австрия, Мексика), Коста-Рикада сайлов органларини судлар шакллантиради.

Ўзбекистонда юқори сайлов органи Марказий сайлов комиссияси ҳисобланиб, уни тузиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

*(Боши ўтган сонларда)*

**28-савол. Округ сайлов органларининг ташкил топиш тартиби қандай амалга оширилади?**

Округ сайлов органларининг ташкил топиш тартиби турли мамлакатларда турлича, хусусан, бир гуруҳ мамлакатларда, ҳеч қанақа сайлов комиссияси ташкил этилмайди, назорат функциясини эса махсус тайинланган амалдор ёки сайлов бўйича ваколатли шахс олиб боради. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 3-боби, 12-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларда округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 70 (етмиш) кун қолганида, комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6 нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

*(Давоми 2-бетда)*

*16 ноябр - Халқаро бағрикенглик куни*

***«Ўзбекистон Конституцияси - этник ва диний бағрикенглик кафолати». Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўтган давра суҳбатининг мавзуси ана шундай аталди. У ЮНЕСКОнинг «Ижтимоий фикр» маркази негизида ташкил этилган «Кўприк» дастури бўйича Миллий мувофиқлаштирувчи қўмита, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва ЮНЕСКОнинг мазкур университет қошидаги инсон ҳуқуқлари, демократия, тинчлик, толерантлик ва халқаро ҳамжиҳатлик кафедраси томонидан ташкил этилди. Учрашувда маънавият ва маърифатни юксалтириш соҳаси мутахассислари, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.***

## БОШ ҚОНУНИМИЗ - ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Миллатлараро, динлараро бағрикенглик турли маданиятлар ва тилларнинг ўзаро муносабатларини қамраб олган, асрлар давомида шаклланган тушунчалардир. Бундай жараён ҳар бир давлатнинг тарихи, анъаналари ва мавжуд воқелик силсиласида ҳамон давом этмоқда, деб таъкидлади Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ЮНЕСКО кафедраси мудири А.Саидов. Бағрикенглик ҳар доим халқимизга хос фазилат бўлган. Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан турли миллат ва дин вакиллари тинч ва тотув яшаб келишган. Мустақилликдан сўнг толерантлик тамойиллари мамлакатимизда қонуний мақом олди. Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида республикамизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Давра суҳбатида қайд этилдики, Ўзбекистон халқини ташкил этувчи 100 дан ортиқ миллат вакиллари биргаликда янги демократик давлат қуриш, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттиришдек шарафли мақсадни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда. Уларнинг барчаси бугунги кунда ўз миллий маданияти, удумлари ва анъаналарини ривожлантириш имкониятига эга. Юртимизда кўплаб миллий маданият марказлари, кам сонли миллатлар тилларида таълим бериладиган мактаблар фаолият кўрсатиб, уларнинг тилларида китоблар, журналлар, газеталар нашр этилаётгани, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар эфирга берилаётгани ана шундай бағрикенгликнинг яна бир далилидир.

Учрашув қатнашчилари толерантлик ғоясининг кенг ёйилиши нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик -истиқлол шарофати, уни сақлаш ва янада мустаҳкамлаш эса барчанинг шарафли ишидир. Бу тушунчани ёшлар онги ва шуурига сингдиришга, айниқса алоҳида эътибор бермоқ лозим. Зеро, Ватанимиз келажаги, умумий уйимиз - Ўзбекистон Республикасида тинч ва осуда ҳаётнинг таъминланиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Бу эса оила, маҳалла, мураббий, таълим муассасалари ўқитувчиларининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Учрашувда тингланган маърузалар «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги сонларидан бирида чоп этилади ва мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларига тарқатилади.

**(ЎзА)**

*Касаба уюшмалари бугун*

## КЎП БОЛАЛИ АЁЛЛАР

### қисқартирилган иш соатига ўтказилди

Яқин-яқинларгача Пахтаободлик маорифчилар вилоят халқ таълими бошқармасида қолоқлар қаторида юрарди. Сабаби, жамоада ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси кўнгилдагидек эмасди.

Кадрлар ўртасида қўнимсизлик авж олганидан, мактабларда гоҳ химия, гоҳ физика фани ўқитувчилари етишмай, дарслар қолиб кетарди. Таълим даргоҳларининг моддий-техника базаси ночорлигидан, синфхоналар қиш фаслларида совуб, кузда чакка аримасди. Бир-бирларининг устидан шикоятбозлик, «ёз-ёзлар»нинг кети кўринмасди.

Абдусамат Холмирзаев туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб иш бошлаганда Жумақўзи Қосимов ҳам таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг навбатдаги конференциясида касабақўм раислигига сайланганди. Янги мудирдаги меҳнат кишисига яқинлик, Жумақўзидаги тажриба бир-бирини тўлдирди.

Иш берувчи ҳамда касабақўм учун муштарак вазифалар жамоа шартномасига асос қилиб олинади. Ўқитувчиларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш, иш ҳақи тўловларидаги қарздорликка барҳам бериш, меҳнат қонунчилигига риоя этиш, дарслар самарадорлигига эришиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, ишловчиларни рағбатлантириш каби ижтимоий ҳимояга оид бандлар бошланғич ташкилотларнинг жамоа шартномаларига киритилди.

«Соғлом авлод йили», «Обод маҳалла йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Меҳр ва мурувват йили» юзасидан давлат дастурларини амалиёти бўйича қилинган ишлар ижтимоий шерикчиликнинг самарасидир. 85 та бошланғич ташкилотга уюшган 5000 нафардан зиёд аъзоларнинг ҳуқуқ-манфаатлари жамоа шартномаси билан кафолатланган.

Мавжуд 45 та умумтаълим мактаби, 2 та лицей, 1 та мактаб-интернат, 28 та мактабгача таълим, 4 та мактабдан ташқари муассасаларда ишловчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш ва маиший шароитини яхшилаш, мактабларни капитал, жорий таъмирлаш юмушларида касаба уюшмаларининг иштироки белгилаб олинди. 2-, 34-мактабларни капитал таъмирлаш жараёнида иссиқлик узатиш ва сантехника иншоотлари янгиланди. Ошхона, буфетлар иши йўлга қўйилди. Ўқитувчилар учун дам олиш хоналари жиҳозланди.

Ишловчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни рағбатлантириш, моддий қўллаб-қувватлашни тўғри ташкил қилишга эътибор қаратилди. Ҳисобот-сайлов мобайнида маданий-маиший тадбирлар сарф харажати қарийб 40 фоизга кўпайганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2004 йилда жами тушумнинг 25 фоизи, яъни 161 минг сўм ушбу мақсадларга ишлатилди. Ишловчиларни моддий рағбатлантиришга ажратилаётган маблағлар ҳажми кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир. 2000 - 2004 йилларда бу кўрсаткич 107 минг сўмдан 191 минг сўмга ортди. Ёки ўқитувчилар ва уларни соғломлаштириш тадбирларини олайлик. Ҳисобот даврида санаторийларда 215 нафар, профилакторийларда 421 нафар ходимлар, 3,5 минг нафар фарзандлар оромгоҳларда соғлиқларини яхшиладилар.

«Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Йил синф раҳбари» кўрик-танловлари мактабларда таълим-тарбияни янги поғонага кўтаришга, ноанъанавий ўқитиш усулларини кенг жорий қилишга, таълимни бошқаришни такомиллаштиришга, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатишга ижобий таъсир ўтказди. Танловда ғолиб чиққан 19-, 13-, 15-мактаблар муаллимлари М. Мадумарова, Ш. Абдуллаева, Б. Исмоновалар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Меҳнат кишиларини ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда касабақўм изчил фаолият юритмоқда. Барча мактабларда касаба уюшма кабинетлари, техника хавфсизлиги бурчаклари ишлаб турибди. Меҳнат қонунчилигини мустаҳкамлаш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни яхшилаш бориш «Энг яхши касаба уюшма раиси» танловлари пешқадамлари рағбатлантирилди.

Жамоа ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантириш асносида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта ўрин берилмоқда. Айниқса, моддий-техника базасисиз спортни ривожлантириш амри-маҳол. Мактабларни спорт инвентарлари билан қайта жиҳозлашга касабақўм билан иш берувчи бирдек масъул. Жорий йилнинг ўзида спорт либослари харид қилишга 140 минг, инвентарлар харид қилиш учун жами 250 минг сўм сарфланди. Ишчи-ходимлар орасида стритбол, шахмат-шашка, футбол, баскетбол, стол тенниси ҳавасмандлари кўпайиб бораётганлигининг боиси ҳам шундан.

Хотин-қизларнинг оила, жамият, ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорларидан кейин опа-сингилларимизга эътибор масаласида касаба уюшмаларининг иштироки янада кучайди. 2-мактаб ва 13-болалар боғчасида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши синф раҳбари», «Йилнинг энг яхши тарбиячиси», «Аёл кўрки» мусобақалари маорифчиларда катта таассурот қолдирди. 2-, 10-, 17-умумтаълим мактабларда жамоага меҳнати сингган аёлларни нафақага узатиш тадбирлари анъанага айланиб кетди. Кўп болали аёлларнинг қисқартирилган иш соатига ўтказилиши, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил билан сийланиши уларнинг қадр-қиммат, эъзоз топаётганликларидан нишонадир.

Бугунги кунда пахтаободлик маорифчилар мактабларни жаҳон андозаларига мувофиқлаштиришда, ўқувчиларни олийгоҳларда ўқишга жойлашишларида, спорт соғломлаштириш юмушларида вилоятда пешқадам. Ёш авлодга билим бераётган 3 мингга яқин педагогларнинг 70 фоизи олий тоифали мураббийлардир. Синфхоналарни компьютерлаштириш, масофавий ўқитиш тизимига ўтишда бу ерда салмоқли тажриба тўпланган. Таълим ва фан ходимлари тармоқ касаба уюшмасининг конференциясида ана шулар ҳақида гапирилди. Касабақўм раиси Жумақўзи Қосимовнинг ҳисобот маърузаси якунлангач, анжуман қатнашчиларидан, 32-мактаб директори З. Бозоров, 33-мактаб ўқитувчиси М. Хасанова, туман халқ таълими бўлими мудири А. Холмирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси фаолиятини қониқарли, деб баҳоладилар.

**Собиржон РЎЗМАТОВ,
«Ишонч» мухбири**

## ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Ўзбекистондаги маркази Бухоро вилояти божхона бошқармасида ўқ-дори ҳамда енгил қуролларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш мавзуида ўқув-тренинг ўтказди. Унда чегара ва божхона хизмати ходимлари иштирок этди.***

Машғулотларни ЕХҲТ экспертлари - Австрия Молия вазирлиги божхона хизматининг бўлим бошлиғи Гельмут Грамм, Финляндия Ички ишлар вазирлигининг чегара хизмати ходими Матти Майонен олиб борди.

Қурол, ўқ-дорилар ноқонуний савдоси ва уларнинг бир мамлакат ҳудудидан иккинчисига яширин равишда олиб ўтилишига йўл қўймаслик чегара хизмати ва божхона ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бунда мазкур икки тузилманинг ҳамкорликда, ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда иш юритиши яхши самара беради.

Экспертлар машғулотларда Европа мамлакатлари божхона ва чегара хизмати ходимлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик самараси, мавжуд таҳдидлар таҳлили, товар ва ускуналар юкланган контейнерлар билан ишлаш малакаси борасида фикр юритди.

Машғулотлар сўнггида иштирокчиларга ЕХҲТ сертификатлари топширилди.

**Жаҳондаги демократик давлатларнинг тарихий ривожланиш манбаларини ўрганадиган бўлсак, ҳар бир давлат ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг аввало ижроия ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Чунки ижроия ҳокимият органлари мамлакат мустақиллигини мустаҳкамловчи, тинч-тотувликни таъминлашда босқичма-босқич ислоҳотларга шарт-шароит яратиб берувчи давлат бошқаруви механизмидир.**

# РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Давлат мустақиллиги мустаҳкамланиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ўзини-ўзи ҳимоя қила олиш даражасига етгач, парламентнинг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва мавқеига эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам худди шундай давр етилдики, ҳозирги ривожланиш босқичида ижроия ҳокимият органлари фаолияти тўлиқ шаклланди ва такомиллаштирилди, навбатдаги вазифа қонунчилик органи – Олий Мажлис фаолиятининг янада мукаммаллигини таъминловчи ҳуқуқий воситаларнинг тузилишини ўзгартириш ва янгилашдан иборатдир.

Маълумки, демократик ривожланиш йўлини танлаб олган ҳар қандай давлатнинг бошқарув органлари тизимида ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда парламент ҳал қилувчи рол ўйнайди. 2002 йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдуми Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаб берди. Референдум натижалари асосида Олий Мажлисни келгуси чақириқдан бошлаб икки палатали тизимда ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур қарорнинг амалга оширилиши 2002 йилнинг 4 апрелида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун асосида белгилаб олинди ва унинг ҳосиласида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабр) Конституциявий қонунлари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунлар қабул қилинди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2003 йил 24 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXIII боблари ва олтинчи бўлимига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76-моддасининг янги таҳрири қуйидагича бўлиши белгиланди: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакили органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан: Қонунчилик палатаси (қуйи палатаси) ва Сенатидан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати беш йил». Мазкур Конституциявий норма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кейинги чақириқдан бошлаб икки палатадан иборат таркибда фаолият юритиш принципларини мустаҳкамлайди. Агар биз хорижий давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, аксарият ривожланган мамлакатларнинг парламентлари икки палатадан иборат таркибда фаолият юритаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қонунларнинг мукаммаллигини таъминлаш ва уни ижросини назорат қилишда икки палатали парламент муҳим давлат ҳокимиятини амалга оширувчи воситадир. Масалан: Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Испания, Япония, Канада ва бошқа давлатлар парламентларининг тузилиши, номланиши ҳамда ваколат муддатларини ўрганадиган бўлсак, ҳар қайси давлатнинг парламентлари ўзига хос миллий хусусиятларини ўзида акс эттирганлигининг гувоҳи бўламиз.

Францияда парламент Миллий Мажлис(қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата), Германияда Бундестаг (қуйи палата) ва Бундесрат (юқори палата)дан, Америка Қўшма Штатларида Вакиллар палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата), Буюк Британияда Жамоа палатаси (қуйи палата) ва Лордлар палатасидан (юқори палата), Италияда Депутатлар палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата), Испанияда Депутатлар Конгресси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата), Японияда Вакиллар палатаси (қуйи палата) ва Маслаҳатчилар палатасидан (юқори палата), Канадада Жамоалар палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Демак, ҳар бир давлатда парламент палаталарининг номланиши ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Аксарият давлатларнинг парламентлари ваколат муддатлари Асосий Қонунларида беш йил қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Парламентининг Қонунчилик палатасининг (қуйи палатаси) фаолияти қонунларни мукаммал ишлаб чиқиш билан доимий шуғулланиш принципларидан келиб чиқиб, шундай номланди. «Сенат» умумэътироф этилган атама бўлганлиги учун аксарият давлатлар парламентларининг юқори палатаси «Сенат» деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида Олий Мажлис палаталарининг шаклланиш тартиби ва фаолият принциплари белгилаб берилди: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади. Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**Д.АҲМЕДОВ,**
**ТДЮИ доценти**

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

*(Боши 1-бетда)*

**29-савол.**
**Участка сайлов органлари қай тарзда ташкил этилади?**

Участка сайлов органлари, қоидага кўра, юқори турувчи ташкилот ёки ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади.

**30-савол.**
**Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш қай тарзда амалга оширилади?**

Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш – фуқароларни сайловчиларнинг махсус рўйхатига киритиш демакдир.

**31-савол.**
**Номзодларни депутатликка кўрсатиш тартиби қай тариқа амалга оширилади?**

Номзодларни депутатликка кўрсатиш қонунда мустаҳкамланган бўлиб, белгиланган тартибга кўра пассив сайлов ҳуқуқи (яъни сайланиш ҳуқуқи)га эга бўлган фуқаро депутатликка номзод ёки бирон-бир бошқа сайлаб қўйиладиган лавозимга номзод сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

**32-савол.**
**Сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш тартиби қандай?**

Сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш тартиби мавжуд бўлган сайлов тизимларида ўтказиладиган сайловларда, парламентнинг қуйи палатасига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади, бундай амалиёт кейинги пайтларда кенг тарқалмоқда, жумладан, Австрия, Германия, Финляндия, Япония ва бошқа давлатларда.

Сайлов гарови номзодларнинг интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади, сайловларга бепарволик, баъзан ўйин сифатида қарашларнинг олдини олади.

**33-савол.**
**Фуқароларнинг пассив сайлов ҳуқуқи қайси ҳолларда чекланиши мумкин?**

Пассив сайлов ҳуқуқининг **икки хил чекланиш** ҳолати маълум:

* сайланишнинг мутлақ имкони йўқлиги;
* сайланишнинг нисбий имкони йўқлиги.

Фуқароларнинг пассив сайлов ҳуқуқининг мутлақ чекланиши шуни англатадики, бунда шахс бирорта ҳам сайлов округидан депутат бўлиб сайланиши мумкин эмас. Сайланишнинг нисбий имкони йўқлиги ҳолатида эса, маълум бир ҳудудда муайян лавозимни эгаллаб турган шахс қонун чиқарувчи органга сайланиши мумкин эмас. Масалан, Мексикада айрим штатларнинг губернаторлари, ушбу лавозимни эгаллаб турган вақтлари давомида ва истеъфога чиққанидан кейин ҳам, мазкур штатнинг қонун чиқарувчи органига сайланиши мумкин эмас.

**34-савол.**
**Депутатликка номзодларга алоҳида талаблар қўйиладиган ҳоллар ҳам мавжудми?**

Бундай ҳолатлар бор. Масалан, Кипр, Франция ва Туркияда депутатликка номзодлар албатта армияда хизмат қилган бўлишлари керак. Масалан, Буюк Британияда парламент депутатлигига номзод бўлиш учун сайланган жойида яшаши ёки ўша ерда доимий иш жойига эга бўлиши ёки маҳаллий солиқларни тўлаб келган бўлиши талаб этилади; Жазоирда эса Президентликка номзод давлат дини бўлган исломни ҳурмат қилиш ва уни улуғлаш бўйича махсус мажбурият олиши талаб этилади.

*(Давоми бор)*

**Тошкент Гёте институти Ўзбекистон Бадиий академияси ва IFA-Халқаро муносабатлар институти (Германия) билан ҳамкорликда «Онгли ва оддий. Маҳсулот муқобил маданиятининг пайдо бўлиши» мавзуида мебел дизайни кўргазмасини ташкил этди. У Бадиий академия Марказий кўргазмалар залида ўтказилмоқда.**

## ГЕРМАНИЯ МЕБЕЛЛАРИ: ЯНГИ ОҚИМЛАР

Саксонинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб Германияда мебел ва объект дизайни соҳасида аввалгиларидан тубдан фарқ қилувчи турли оқимлар шаклланди. Мебел ва объект дизайнида янги ёндашувнинг бош мавзуси мебел ва дизайн объектини тайёрлаш ҳамда ундан фойдаланишда онгли соддаликдир. Мазкур кўргазмада янги немис дизайнидаги турли йўналишлар намойиш этилмоқда.

Мебел, чироқлар ва уй жиҳозлари кўргазманинг асосини ташкил этади. Бу ерда ўттиз беш дизайнер ва дизайнерлик гуруҳининг 65 та турли объекти, жаъми 122 та экспонатини кўриш мумкин. Тақдим этилган объектлар юқори сифатли материаллардан тайёрлангани ёки узоқ ва қиммат ишлаб чиқариш жараёни билан ажралиб турмайди. Уларнинг ўзига хослиги материалларнинг чидамлилиги, соддалиги, қулайлиги, нархи нисбатан арзонлигидир.

15 декабргача давом этадиган кўргазма доирасида таниқли немис дизайнерлари иштирокида мастер-класслар ҳам ўтказилади.



**Термиз академик лицейининг умумий кўриниши**

Хонобод шаҳридаги Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси «Андижонкабел» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти йилига 10 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳозир бу ерда 1200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда қўшма корхона жамоаси ҳар ойда 1 миллиард 250 миллион сўмлик 25 турдаги кабел маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Йил охиригача бу кўрсаткич 1,5 миллиардга етказилиши кўзда тутилган.

Қўшма корхона Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Афғонистон ва бошқа давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Яқинда қўшма корхонада автомобиллар учун электр симларини ишлаб чиқариш тармоғи барпо этилиб, қўшимча яратилган 30 ўринга танлов асосида ишчилар қабул қилинмоқда.



***Суратда: маҳсулот ўровчи Дилбар Қурбонбоева***

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## «ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ»: БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

«Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортмоқда - кунига уч ярим минг тоннагача цемент ишлаб чиқариляпти. Жорий йилда эса истеъмолчиларга 980 минг тонна маҳсулот етказиб берилди.

- Ички ва ташқи бозорда анча харидоргир 500 маркали цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз талабгорларни анча кўпайтирди, - дейди жамият бошқаруви раиси Муҳаммадали Дўсбоев. - Маҳсулотларимиздан шу чоққача асосан Тошкент шаҳри ва вилояти қурилишларида фойдаланилаётган эди. Сифат ва миқдорнинг ошиши туфайли энди улар сафига бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб мижозлар қўшилди. Германия ва ҳиндистонлик ҳамкорлар билан биргаликда ўрнатилган қадоқлаш линиясини ишга туширгач, қўшни Тожикистон, Афғонистон, Туркманистонга экспортни йўлга қўйдик.

Айни пайтда келгуси йил учун буюртма қабул қилиш бошланди. Оҳангарон цементчилари 2005 йилда истеъмолчиларга бир миллион 200 минг тонна сифатли цемент етказиб бериш имкониятига эга.

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Моҳир спортчи, айниқса, ўзбек кураши ва шахмат мухлиси Ҳабибулло Саримсоқов Мирзачўл тумани ички ишлар бўлимининг тажрибали офицерларидан эди. Аммо кутилмаганда бошига тушган оғир хасталик уни ногиронлар аравачасига михлаб қўйди.

Бироқ иродали офицер тушкунликка тушмади, спортда орттирган тажрибасини ёшларга ўргатишга аҳд қилди. Кўп ўтмай унинг ҳовлиси болалар билан гавжумлашиб қолди. Уйининг бир хонасини шахмат ишқибозларига ажратди. Бошқа хонасини спорт залига айлантириб, курашдан сабоқ берди. Ҳабибулло аканинг хайрли ишларидан хабар топган Гагарин шаҳридаги «Буюк ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғини, туман халқ таълими, ички ишлар бўлимлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими уни қўллаб-қувватлади. 12-мактабнинг кураш секцияси раҳбари этиб тайинлашиб, доимий маош билан таъминлашди. Ҳозир у ерда ўттиздан зиёд бола кураш билан шуғулланмоқда. Шахмат тахтасида мунтазам дона сурувчи спортчилар сони ҳам тобора кўпаймоқда.

- Яқинда Гагарин шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат ва кураш бўйича ўтказилган мусобақада шогирдларим муносиб иштирок этди,- дейди Ҳабибулло Саримсоқов. - Бу аввало, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган улкан эътибор самарасидир. Мусобақанинг ҳар икки тури бўйича мактабимиз ўқувчилари умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқди. Демак, меҳнатларим зое кетмаяпти.

**(ЎзА)**

*Оқибат!*

# ИНСОН БОРКИ БАХТГА ИНТИЛАДИ

**«Андижон био-кимё заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти 50 йилдан бери халқ хўжалигининг турли соҳаларини зарур хомашё маҳсулотлари билан таъминлаб келаётир. Айни пайтда бу ерда аҳоли эҳтиёжи учун керакли дори-дармонлар тайёрланмоқда. Саноат корхоналари учун эса этил ацетат етказиб берилаётир. Бундан ташқари, корхонада қайта ишланган буғдойдан тўйимли озуқа сифатида чорвачиликда фойдаланиляпти.**

Ҳозирда меҳнат даргоҳида 700 нафардан ортиқ киши самарали фаолият кўрсатишаётир. Шулардан 186 нафарини аёллар ташкил этса, 176 нафари ёшлардан иборат. Корхонада ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, бу ерда тиббий пункт ишлаб турибди. Кийиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Ишловчилар махсус иш кийимлари билан тўлиқ таъминланишган. Сут маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда. Зарарли иш шароитида меҳнат қилувчиларга 12 фоиз қўшимча ҳақ тўланяпти. Шунингдек, тунги сменада ишловчиларга 50 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ берилаётир.

Ҳиссадорлик жамиятида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўзидагина ҳимоя воситалари учун 2 миллион сўм ажратилди. Респиратор, резина этик, фартук, қўлқоп каби ҳимоя воситалари барча ишчиларга етарли равишда тақсимланди.

Яқинда завод эфир-алдегид фракциясидан кучли эритувчи этил-ацетат ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Чунки ҳозирги кунда кимё, лок-бўёқ ишлаб чиқариш корхоналари, пойабзал ва терини қайта ишлаш цехларида ана шундай маҳсулотга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Андижондаги «Ўз-Донг-Жу» қўшма корхонаси билан ишончли шериклик асосида фаолият олиб борилаётир. Бундан ташқари, Наманган ва Фарғонадаги «Дори-дармон» уюшмалари билан мунтазам алоқа йўлга қўйилган бўлиб, 5 фоизли бриллиант кўки ва 70 фоизли йод эритмаси тайёрланиб берилаётир.

Ишчи-хизматчиларга, пенсионер ва ногиронларга Мустақиллик, Наврўз байрамларида дастурхон ёзилиб, уларга мукофот пуллари берилди. Хотира ва қадрлаш кунида 100 нафар уруш қатнашчиси таклиф этилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Кам таъминланган 20 оилага 100 минг сўмлик беминнат ёрдам кўрсатилди. Корхона атрофида жойлашган «Саноат» ва «Наврўз» маҳаллаларида истиқомат қиладиган фахрий ва ногиронларга кийим-кечак берилди. Андижон шаҳридаги кўзи ожизлар жамиятига ҳам мурувват ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, корхона ҳомийлигига олинган ногиронларнинг жорий йилдаги коммунал тўловлари учун 95 минг сўм ажратилди. Ишчи-хизматчи ва фахрийларнинг соғлиғини тиклаш учун 1 миллион 200 минг сўмлик имтиёзли йўлланмалар бепул тарқатилди.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири – кам меҳнат сарфлаган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Оролбўйи халқ хўжалигининг барча тармоқларида хусусий тадбиркорлик, кичик, ўрта бизнесни юксалтириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича 2004-2006 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ жорий йилда мингдан ортиқ тадбиркорлик тизилмалари ишга туширилди. 21 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Шуининг 12615 таси қишлоқ ва овул ҳудудларига тўғри келади.**

*Бир Фармон шарофати*

# ОРОЛБЎЙИ ТАДБИРКОРЛАРИ

## минтақанинг иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишмоқда

«Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш ҳақида», «Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонлари асосида яратилган имтиёзлар ишбилармонлар фаолиятини кенгайтириш имконини бермоқда.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси Нукус филиали томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорларга катта мадад бўлаяпти. Бир йилда улар томонидан минг тонна гўшт, 3 минг тонна сут, 130 тонна қандолат, 180 тонна нон маҳсулотлари, 180 минг дона уй-рўзғор буюмлари тайёрланиб, аҳолига 65 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида Элликқалъа туманида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Туманда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони икки бараварга кўпайиб, бунинг ҳисобига 3435 та янги иш ўринлари яратилди. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилган учта қўшма корхонада 1415 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинди. Айни пайтда Россия давлати билан биргаликда ёғочни қайта ишлаш қўшма корхонаси иш бошлади.

Хўжайли туманида 2331 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан 847 таси юридик, 1484 таси жисмоний шахс ҳисобланади. Ўтказилган кўрик-танловда «Онар» хусусий корхонаси, «Барс-Ф» ишлаб чиқариш фирмаси, «Олға» фермер хўжалиги ғолибликни эгаллади. Туман савдо саноат палатаси ҳузурида ташкил этилган компьютер сабоқлари курсини 50 дан ортиқ ишбилармонлар тугаллаб, сертификат олишди.

Тижорат банклари томонидан якка тадбиркорлик билан шуғулланувчи 12 нафар кишига кредит ажратилди. Шаҳардаги «Саратон-конфи», «Дамир Вестон» корхоналари, «Эльдамиро», «Шаҳарқул» хусусий фирмалари, ускуналар келтириб, қандолат маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга киришдилар.

Тахиатошдаги Жиянгул Ешанова раҳбарлик қилаётган озиқ-овқатлар дўкони харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. «Малика» хусусий фирмасига қарашли бу савдо тармоғида ҳар ойда 4-4,5 миллион сўмлик товар айланмаси амалга оширилаяпти. Жамоа Меҳр ва мурувват йилида ўнлаб ногирон ва ёлғиз қарияларни оталиққа олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Тижорат банклари томонидан 7,7 миллиард сўм қарз берилганлиги, «Бизнес фонд»дан 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилганлиги тадбиркорлар фаолиятини кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Оролни қутқариш жамғармаси томонидан Элликқалъа туманидаги «Араб» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Райиберган Абдуллаев 2 миллион сўм кредит олиб, кўпгина муаммоларини ҳал этди. У 100 гектар экин майдонида мевазор боғ бунёд қилди, дон ва пахтадан мўл ҳосил етиштирди. 2 та трактор ва бошқа механизмлар сотиб олди. «Оалвар-Санжар» хусусий фирмаси, «Юзукчи» фермер хўжалигида ҳам 2 миллион 800 минг сўмлик кредит эвазига шоли ва ун тегирмонлари, ошхона ва қассобхона ишга туширилди.

«Ташаббус-2004» кўрик-танловида К.Баниёзов директорлик қилаётган «Дамир-Вестон» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, рангли телевизор билан мукофотланди. Корхонада тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан ажралиб туради.

Нукус туманидаги П.Хўжанов раҳбарлигидаги «Едиге» фермер хўжалиги кўп миқдорда мева, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарганлиги учун «Энг яхши фермер» деган номга сазовор бўлди. Берунийлик Тойир Бобожонов қўлидан жило топган диван, кресло, стол, стуллар, хилма-хил жавонлар, уй-рўзғор буюмлари ўзининг қулай ва чиройлилиги, чидамлилиги билан истеъмолчиларга манзур бўлаяпти.

Меҳр ва мурувват йили йўналиши бўйича ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритган Чимбой туманидаги «Клара Аллаёрова» хусусий корхонаси кам таъминланган ва муҳтож оилаларни кийим-кечаклар билан текин таъминлаб келмоқда.

Кегайли туманидан Р.Моянова, Нукус шаҳридан С.Саекеев, «Гуллойим» фирмалари тадбиркорлари ҳам ўзларининг ҳунармандчилик буюмлари ва халқ истеъмоли моллари тайёрлашдаги маҳоратлари билан истеъмолчилар эътиборини қозонишган.

Оролбўйида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, айни пайтда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга эришилаяпти.

**И.ТИЛЛАЕВ**

*Барҳаёт сиймолар*

# АЛИШЕР НАВОИЙ - ТАРИХЧИ, ТАЗКИРАНАВИС

Навоий шоирлик истеъдоди юксак бўлган, аммо ижоди билан ҳукумат шаънига зиддона фикр айтадиган шоирларнинг ҳам тазкираси саҳифасидан мосуво қилмайди. Мана Хожа Муайяд Девона номи билан ижод қилувчи шоир. Унинг ана шу давлаттталаб ғоялари учун йўқотиб юборилганлигидан, талантини хазон қилинганлигидан шоир қаттиқ изтиробга тушади.

У айниқса Абусаид даврида кўпгина ноёб талантлар унинг ишорати билан ўлдирилиб юборилганлигини очиқ ёзади. Жумладан, Лаълий тахаллуси билан машҳур бўлган шоир ва унинг ўғли Ибн Лаълий мол-мулклари таланиб, ўзлари қатл эттириладм. Бу шўринг қурғур шоирларнинг гуноҳи шу эдики, уларнинг авлод-аждоди неча асрлардан бери Бадахшон мулкининг ҳукмдорлари бўлиб келган экан.

Ана шу хунрезликларнинг қурбони бўлган кишилар Навоийнинг тоғалари Мирсаид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳамдир. Мирсаид Қобулий Навоийнинг эслатишича турк тилида ижод қилиб, ажойиб шеърлар яратган. Фикрининг тасдиғи учун у Қобулий яратган бир туюқдан намуна келтиради:

***«Эй муҳиблар, етсангиз гап***
***ёзасиз***
***Гул адоқинда хумори ёзасиз.***
***Гар лин ўлсам, туртатимнинг***
***тошига,***
***Кушган бир шўх эрур, деб***
***ёзасиз.***

Бу ерда шоир шеърнинг биринчи мисрасида ёз фаслини, иккинчи қаторда кайфият ёзиш ва ниҳоят тўртинчи йўлда қабр тошига ёзиладиган ёзув маъноларини қамраб олиб, ажойиб юморга бой ўйноқи ва сермазмун бир туюқ айтишга муваффақ бўлолган. Ана шундай талантли шоир ва давлат арбобини Абусаид Сарахс қўрғонида тутиб, шаҳид эттирган. Шоирнинг иккинчи тоғаси Ғарибий ҳам туркча ижод қилган. У жуда хушхулқ, хуш муҳовара ва хуштаб шоир бўлган. Бундан ташқари, у бир неча мусиқа созларини чала билган. У созларга оид илм билан ҳам шуғулланган иқтидорли бастакор бўлган. Навоийнинг айтишича, у хутут (хат ёзиш) санъатини ҳам чуқур эгаллаган. Бу шоирни ҳам Абусаид Самарқандда туттириб қатл эттирган. Навоийнинг бу тоғалари Абулқосим Бобур Мирзо даврида саройда нуфузли мансабларда ишлаганлиги учун улардан чўчиб ўлдиртирган.

Навоий тазкирада келтирилаётган ҳар бир шоирнинг қандай касб билан шуғулланганлигига ҳам эътибор қилади. Шундан маълум бўладики, XIV - XV асрларда шеър санъати билан шуғулланадиган шоирларнинг аксарияти оддий ҳунарманд, косиблардан чиққан кишиларни ташкил этар экан. Масалан, Мир Арғун хаймадўзлик (чодир тикув), мавлоно Саидий косагарлик, мавлоно Ҳавоий наққошлик, мавлоно Қобулий ғазлфурушлик (калава, ип), мавлоно Ховарий дарзигарлик (тикувчи), Мавлоно Жавҳарий собунгарлик касблари билан шуғулланишган. Шу билан бирга шоир ўзгалар шеърини ўзиники қилиб сохта шоир номини кўтариб юрган Наргис, Анисий, Хожа Мусо каби кишиларни ҳам аёвсиз танқид қилади.

Навоий шоир Лутфий ҳақида ёзганда, ғоят жўшқин фикрларни айтади. Тарихдан маълумки, бу шоир 99 йил умр кўриб, ўз ҳаёти давомида Темур билан ҳам учрашиб, унинг қабулида бўлган . Лутфийнинг Темур ҳақида ўзбек тилида «Зафарнома» деб аталган маснавий достон ёзганлигини айтади. Бу янгилик ҳам Навоийдан бошқа тарихчиларда сира учрамайди. Аммо бу китоб бизгача етиб келмаган. Навоийнинг фикрича, бу асарнинг нома ва баёзларга, тазкираларга киритилмаганлиги «Зафарнома»нинг одамлар ўртасида оммалашишига маълум маънода халақит берган, шу боис у шуҳрат тутмаган. Навоий улуғ устози Лутфийнинг Афғонистоннинг Деҳқанор деган кентида вафот этганлигини, қабри ҳам ўша ерда эканлигини айтган.

Яқинда Афғон диёрида ватандошларимизнинг қабрларини тиклаш, мозорларини обод қилиш ишларига қизғин киришган Зокиржон Машрабов бошчилигидаги бир гуруҳ зиёли олимларимиз Деҳқанорга бориб, Лутфий қабрини топишга муяссар бўлдилар. Қаровсиз ва бутунлай унутилиб кетган бу қабрнинг бугунги аҳволи тасвирга туширилиб, ўзбек халқига намойиш этилди. Бу тасвирни кўрган ҳар бир зиёли Лутфий марқадларини кўриб, ларзага тушиши табиий. Бир маҳаллар бутун шарқ эъзозлаган Лутфий қабристонини қайта таъмирлашга бўлган уриниш савобларнинг энг савоблисидир.

Тазкирада Отоийнинг шажараси хусусида айтилган янгиликлар ҳам бошқа тарихларда такрорланмайди. Навоий берган маълумотларга суяниб, Отоийни Яссавийлар оиласидан, унинг амакиваччаси бўлмиш Исмоил ота фарзандларидан эканлигини билиб оламиз. Отоийнинг қабри Балхда эканлигини ҳам бугунги кунда ҳар бир ўзбек яхши билмоғи керак.

Маълумки, темурийлардан воз кечиб, Шайбонийларга хизмат қилган, «Шайбонийнома» номли катта достон ёзган Муҳаммад Солиҳнинг бобоси амир Шоҳмалик Соҳибқирон Темурнинг нуфузли лашкарбошиларидан бўлган. Темур вафотидан кейин у Шоҳруҳ қўл остида ишлаб, Улуғбек Мирзога оталиқ қилган. Шоҳмаликнинг ўғли Хурсандбек эса Абусаиднинг қўлида Хоразмда ва Марв вилоятларида ҳоким бўлган. Навоий ана шу Нурсаидбекнинг шоирлик маҳорати устида ҳам гапириб, унинг байтларидан бир намуна беради. Аммо, Навоий ҳам Нурсаидбекнинг фожеали ўлими ҳақида ҳеч нима демайди. Уни Ҳусайн Бойқаро Марвда дорга остирганда, Навоий ҳам салтанатда ваколатли пояда ўтирган ҳокимлардан эди.

Навоий яхши шоирлар ҳақида яхши маълумотлар берган бўлса, ўзининг ёмон хислатлари билан давлатга, мансабдорларга ва эл-юртга ёқмаган шоирларнинг ижодидан ҳам айрим намуналар бериб боради. Жумладан, Мавлоно Дарвеш Машҳадий, Хуррамий, Қуроза, Мавлоно Лакаданг каби одамийлиги суст, бадзабон, бадмижоз, ақли қосир, фисқи фужур тарғиботчиси бўлган шоирларни ҳам таништириб ўтади. Навоий хулоса қилиб: «бундай шеър ёзиб, шоирлик қилғондан қилмоғон яхши» деган андишаларга боради.

Навоий баъзи бир шоирларнинг феълидаги қизиқ жиҳатларга ҳам диққатини қаратиб, китобхонда юмор ҳиссини пайдо қилади. Масалан, Мир Муржоз деган шоир шахматга ғоят ишқибоз бўлади. Агар у икки шахмат ўйинчиси турган бўлса, бири билан ўйнаб, иккинчисини этагидан тутиб турар экан.

Хуллас, бу улкан тазкирада Навоий бир қанча вилоят ва шаҳарларда бўлганлигини, кимлар билан учрашганлигини, устозлари, дўстлари, душманлари ким бўлганлигини, қариндош-уруғлари, фарзанди ўрнидаги шахслар ҳақида ҳам яхшигина маълумотлар беради. Унда мусиқага оид тадқиқотлар ҳам тилга олинади. Шоир бу асари билан ҳам асрлар давомида ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта таъсир кўрсатиб келган. Биз тилга олиб ўтган намуналар дарёдан бир томчи холос. Бу ҳақда катта-катта китоблар ёзиш мумкин.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*(Охири. Боши ўтган сонларда)*





Шифокорлик ва ўқитувчилик энг шарафли касблардан ҳисобланади. Жиззах вилоятида бу касбларни ардоқлаб, эл-юрт ҳурматига, эҳтиромига сазовор бўлган кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Дўстлик тумани марказий шифохонаси ички касалликлар бўлими бошлиғи Соибназар Мусаев (чапда) 36 йилдирки ушбу шифо масканида самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўнгдаги суратда эса Зафаробод туманидаги Тугалбой Қобилбеков номли қозоқ мактаби ўқитувчилари фаолияти акс эттирилган.

**Б.НОРҚУЛОВ** олган суратлар.

*Касаба уюшма спорти*

# МУРОСАСИЗ, ҚИЗИҚАРЛИ

***Ангрен шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли БЎСМда шу вақт ичида бир қанча мақтовга лойиқ ютуқлар қўлга киритилди.***

Спорт мактабида айни вақтда 160 нафарга яқин иқтидорли ўсмир ёшлар бокс, миллий кураш ва дзюдо сингари оммавий спорт турлари бўйича шуғулланишяпти. Уларга ўз ишининг жонкуяри бўлган тажрибали мутахассислар - В.Цой, Ш.Тиллаев, У.Абдурасулов ва Б.Юсуповлар мураббийлик қилишмоқда. Спорт мактаби маъмурияти ҳамда мураббийлар жонбозлиги билан тарбияланувчиларнинг мунтазам равишда турли мусобақаларда иштирок этиши таъминланмоқда. Шу билан бирга болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими ҳам бу хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёш спортчиларнинг маҳоратларини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Яқинда Ангрен шаҳрида ана шундай мусобақалардан яна бири бўлиб ўтди. БЎСМ ташаббуси билан шаҳар ҳокими соврини учун ўтказилган ушбу мусобақада 1991-94 йилларда туғилган дзюдочи ўсмир ва қизлар қатнашди. Мусобақада мезбонлардан ташқари Наманган вилояти Поп тумани, Оҳангарон шаҳри ҳамда Ангрен шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаблари вакиллари ҳам ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

- Мусобақа бу даражада қизиқарли ва ўта муросасиз ўтишини, тўғриси, кутмагандик, - дейди касаба уюшмалари БЎСМ директори Н.Нишонов ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб. - 214 нафар ёш дзюдочи полвонлар 16 вазн тоифаси бўйича гиламга чиқишди. Ғолибларни аниқлаш ҳакамлар учун осон бўлмади.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Ангрен шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаби вакиллари эгаллашди. Кейинги совринли ўринлар эса мезбонлар ҳамда наманганлик ёш дзюдочиларга насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар шаҳар ҳокимининг эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди. Энг муҳими, мусобақани бундан кейин анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олинди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

## 100 ТОННАЛИК БУЛЬДОЗЕР

Бу техника воситасини билмаган одам топилмаса керак. Аммо энг оғир бульдозерлар ҳақида ҳамма ҳам билавермаслиги тайин. Маълум бўлишича, дунёдаги энг оғир ер текисловчи техника бундан роппа-роса 20 йил олдин Челябинск трактор заводида ишлаб чиқарилган. «Т-800» деб номланган ушбу бульдозерлар оз эмас, кўп эмас нақд 100 тонна тош босган. 1990 йилгача ана шундай бульдозерлардан 9 таси ясаб битказилган.

## ОТ АЙЛАНИБ...

Ҳа, от айланиб қозиғини топади, деган матал бежизга айтилмаган экан. Бу малайзиялик Қамариддин Муҳаммад ҳаёти мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Фақат ҳозирда 72 ёшни қоралаган Муҳаммад «қозиғи» атрофида роса кўп айланди.

Ниҳоят биринчи хотини билан қайта никоҳдан ўтди. Бунгача эса у хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг 51 маротаба уйланди. «Куёвтўра» уйланган «келинлар» орасида икки нафар инглиз аёли ҳам бўлган. Қизиғи шундаки, биттасини ҳисобга олмаганда, барча никоҳлар ажрашиш билан якунланган. Энг қисқа никоҳ 2 кун, энг узоғи 20 йил бўлган.

## ТЕЛЕФОНМИСАН, ТЕЛЕФОН

Инсоният томонидан ўйлаб топилган ажойиб мўъжизалардан бири, ҳеч шубҳасиз, телефон ҳисобланади. Зеро, ҳозирги ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қила олмаймиз. Шунингдек, ота-боболаримиз бундай қулай алоқа воситасисиз ўз ишларини қандай қилиб битирганликлари ҳам сира-сира тасаввуримизга сиғмайди.

Айтганча, статистларнинг гувоҳлик беришича, дунёдаги энг кўп уйига телефон ўтказган аҳолига эга шаҳар Токио экан. Шунингдек, Вашингтон шаҳри (АҚШ)да ҳар минг кишига 1730 та телефон аппарати тўғри келаркан.

Дунёдаги энг катта телефон аппарати эса 1988 йилнинг 16 сентябрида Апелдорн (Голландия)даги фестивал пайтида намойиш этилган. Ушбу кўргазма-телефоннинг баландлиги 2 метр 74 сантиметр, узунлиги 6 метр ва оғирлиги 3,5 тоннага тенг бўлган. Узунлиги 7,14 метрли гўшаги эса кўтарма кран ёрдамида жойидан қўзғатилган.

*Биласизми?*

Нумерология нисбатан яқинда кенг оммалашган бўлса ҳам аслида қадимий фанлардан бири. Муайян даражада сонларнинг ўзиёқ ўз тилини ташкил этади, кўплаб ибтидоий қабилалар бу тилни тушунишган.

Кўҳна алифболарда, масалан, қадимги яҳудий ёзувида эса ҳарфлар ҳам сонларнинг қийматига эга деб билинган.

Замонавий нумерология каббалистик космология ва унинг эзотеарик ақидалари қаърига чуқур кириб бормаган ҳолда соддалаштирилган сонлар ва алифбе кодини маъқул кўради. Бу код эса қадимги Юнонистонда милоддан олдинги 550-йилларда донг таратган буюк олим Пифагорнинг назариясига асосланган.

Маълумки, Пифагор сонларни 1 дан 9 гача бўлган рақамларга қадар қисқартирган эди. Зотан, у ҳар қандай сонни ҳосил қилиш мумкин бўлган бошланғич сонлардир.

*Футбол*

# ТЎПУРАРЛАР ШАШТИ БАЛАНД

***Футболда бу азалдан бор. Мавсум ниҳоясига етган сайин оралиқ ўйинларда кутилмаган манзара намоён бўла боради. Кучли жамоанинг бирдан топ ташлаб мағлубиятга учраши, ўйини қовушмаган у ёки бу футболчининг бирдан «очилиб» кетиши дейсизми, ҳар ҳолда санаб адоғига етиб бўлмайдиган фавқулодда тухфалар чемпионатга қизиқишни янада орттириб юборади.***

Ёдингизда бўлса, «Насаф» 22-турда «Сурхон» меҳмони бўлиб, майдон эгалари дарвозасини беш бор нишонга олган ва ушбу йирик ҳисоб туфайли ўз мавқеини анча яхшилаб олган эди. Кейинги турда бундан-да ишончли ғалаба қўлга киритилди. Эндиликда олий лигани тарк этиши аниқ бўлиб қолган «Андижон» жамоаси Қаршида шармандали мағлубиятга учратилди. Ҳисоб- 8:1. Ундан сўнг Бекободда маҳаллий «Металлург» қашқадарёликларнинг шиддатли ҳужумларига дош беролмай, икки марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур этилди. Куни кеча эса 25-турда «Насаф» футболчилари томонидан олий лига дебютанти бўлишига қарамай кучли олтиликдан мустаҳкам жой эгаллаб улгурган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси қақшатқич мағлубиятга учратилди. Ҳисоб—5:1.

Воқеаларнинг ривожидан кўриниб турибдики, чемпионатнинг сўнгги учрашуви – Муборакда «Машъал» билан кечадиган ўйин ҳам «Насаф» жамоаси учун хайрли тугаши аниқ. Ҳар ҳолда шундай башорат қилиш учун сабаблар етарли. Биринчидан, борди-ю ҳозир учинчи ўринни банд этиб турган «Навбаҳор» 26-турда Бекободда панд еб, керакли уч очко эгасига айланмаса, «Насаф» вилоятдоши бўлган клубни таслим этса, бронза медалидан умидвор бўлиши мумкин. Қолаверса, кейинги ўйинларда тўпурарлик қобилиятини ишга солаётган Зафар Холмуродов ҳам ўз жамғармасини тўлдиришга мажбур. У ўтган турда «Локомотив» дарвозасини тўрт марта ишғол этиб, голлари сонини 26 тага етказиб олди. Лекин бу уни таскин топтиргани йўқ. Чунки «Навбаҳор» ҳужумчиси Шуҳрат Мирҳолдиршоев «Андижон» билан кечган беллашувда икки голга муаллифлик қилиб, яна иккита тўпга илгарилаб кетди. Орадаги фарқни йўққа чиқариш Зафарнинг қўлидан келадими, йўқми, буни вақт кўрсатади. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, у бир ҳаракат билан олдинлаб кетиши ва якка пешқадам бўлиб олиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Бунга тарихда мисоллар кўп. Айниқса, йигирманчи асрнинг ёрқин футболчиси Биродар Абдураимов буни яхши билади. Бошидан ўтган табиб дейдилар. Иттифоқ чемпионатида 22 та тўп билан бомбардир бўлиб турган Б.Абдураимов сўнгги тур олдидан борйўғи 17 та тўп билан иккинчи ўринда бораётган Тбилисининг «Динамо» ҳужумчиси яна бир грузин жамоаси – Кутаисининг «Торпедо» командаси дарвозасига кетма-кет бешта тўп киритиб, ўзини қувиб етганини умрбод эсдан чиқармаса керак.

Ўшанда бу воқеа ҳар хил мишмишларга сабаб бўлган эса-да, биз ҳозир тўпурарлар баҳсида юзага келган ҳолатдан бошқача бир хулоса чиқариш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Икки тўпураримизнинг сўнгги пайтлардаги ўйинларини кузатган киши улар ниҳоятда яхши спорт формасида эканлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Маълумингизки, 17 ноябрда Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасида ўз гуруҳидаги охирги учрашувни Тошкентда энг кучсиз жамоа ҳисобланмиш Хитой Тайпейи билан ўтказади. Кейинги босқичга йўлланма муаммосини ҳал қилиб улгурган Р.Ҳайдаров ва Ю.Гёде учун янги-янги ўйинчиларни синовдан ўтказиш учун бундан яхшироқ имконият бўлмайди. Чамаси ҳужумда миллий чемпионатимиз тўпурарлари Ш.Мирҳолдиршоев ва З.Холмуродовларни имтиҳон қилиб кўриш фойдадан холи эмас. Агар ушбу эксперимент муваффақиятли тугаса, икки жиҳатдан соз бўларди. Биринчидан, терма жамоадаги баъзи муаммолар ечимини топса, иккинчидан, истеъдодли ҳужумчиларнинг ўз кучига бўлган ишончи янада ортиб, улар чемпионатимизнинг ҳақиқий кашфиётига айланар эдилар.

25-турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Қизилқум»-«Нефтчи» – 0:2, «Самарқанд-Д»-«Пахтакор» – 1:2, «Суғдиёна»-«Машъал» – 1:3,«Бухоро»-«Металлург» – 2:0, «Трактор»-«Сурхон» – 2:1.

**Турнир жадвали**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **25** | **22** | **2** | **1** | **77-11** | **68** |
| **2.«Нефтчи»** | **25** | **20** | **2** | **3** | **58-25** | **62** |
| **3.«Навбаҳор»** | **25** | **18** | **3** | **4** | **63-19** | **57** |
| 4.«Насаф» | 25 | 17 | 3 | 5 | 63-27 | 54 |
| 5.«Трактор» | 25 | 13 | 1 | 11 | 41-46 | 40 |
| 6.«Локомотив» | 25 | 10 | 6 | 9 | 36-32 | 36 |
| 7.«Бухоро» | 25 | 10 | 3 | 12 | 30-42 | 33 |
| 8.«Суғдиёна» | 25 | 9 | 2 | 14 | 24-45 | 29 |
| 9.«Қизилқум» | 25 | 6 | 7 | 12 | 27-46 | 25 |
| 10.«Машъал» | 25 | 7 | 3 | 15 | 30-39 | 24 |
| 11.«Металлург» | 25 | 7 | 3 | 15 | 22-45 | 24 |
| 12.«Сурхон» | 25 | 6 | 2 | 17 | 22-51 | 20 |
| **13.«Самарқанд-Д»** | **25** | **5** | **2** | **18** | **22-47** | **17** |
| **14.«Андижон»** | **25** | **5** | **1** | **19** | **28-68** | **16** |

***«Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурининг амалга оширилиши юртимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларимиз онгида ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.***

*Улар билан олам мунаввар*

# МЕҲР-ШАФҚАТ МАСКАНИ

Хўжайлидаги республика хотин-қизлар мурувват уйи 235 ўринли бўлиб, чорак аср муқаддам замонавий усулда қурилган уч қаватли бинога кўчиб ўтган эди. Мустақиллик шарофати билан бу меҳр-шафқат масканининг моддий базасини мустаҳкамлаш, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, тиббий асбоблар, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Эллик ўринли ошхона, дам олиш ва жисмоний машқлар хонаси, дорихона, маънавият-маърифат бурчаги ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Жамоа раҳбари Баҳодир Полвоновнинг саъй-ҳаракати билан яқинда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилди. Жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Давлат бюджетидан жорий йилда 101 миллион 938 минг сўм маблағ ажратилган, – дейди мурувват уйи директори Баҳодир Полвонов. – Озиқ-овқатга 46 миллион 659 минг, кийим-кечакка 5 миллион, дори-дармонга 3 миллион 962 минг сўм сарфланди.

Давлат томонидан берилган маблағлар ташкилот эҳтиёжини қондиради. Лекин бу ерда ҳеч ким қўл қовуштириб тургани йўқ. Ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириляпти. Ҳомийлар ҳиммати билан жорий таъмирлаш амалга оширилди. Ҳозирги пайтда мурувват уйида иқтиқомат қилаётган 194 кишининг 45 таси 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалардир. Йигирма уч йилдан бери шу соҳада ишлаётган Нафиса Қўликбоева болалар бўлимига масъул. Уларни овқатлантиради, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қизиқарли машғулотлар уюштиради.

Болаларнинг бир қисми ногирон, таянч-ҳаракат аъзолари яхши ишламайди, ақлий жиҳатдан етук эмас. Нафисахон кичкинтойлар кўнглига қараб муомала қилиш ҳадисини олган. Хоналар тоза ва озода, тартиб-интизом жойида, саранжом-сариштa.

Ўн икки ёшли туркман ўғли Оллоберди Турдиевнинг дилни қитиқловчи ашулаларини асов Жайҳун тўлқинлари жўшқинлигига менгзаш мумкин. Ўн уч ёшли Одилжон Темирбеков ва Омонгул Мусабоевалар яхши гапиришолмайди. Тарбиячилар ёрдамида ўқиш-ёзишни ўрганиб олишди. Боладикдан ногирон Шуҳрат Жуманиёзов ва Гулбону Саъдуллаевaларни оқ ювиб, оқ таращда шафқат ҳамшираси Шаригул Қуватбоеванинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Тажрибали ҳамшира Холжон Отажонова болалар соғлигини кўздан кечириб даволаш ишларини олиб боради.

Оппоқ чойшабларга бурканиб ором олаётган болажонларнинг бир мучаси камлиги сезилмайди. Бироқ, тақдир қисмати билан гўдакликдан ногирон бўлиб қолишган. Қандайдир нуқсони бор. Бундай муассасада ишлаш осон эмас, албатта. Меҳрибонлик масканининг 194 кишилик аҳил жамоаси бундай машаққатли юмушни бемалол уддасидан чиқаяпти. Тарбияланувчиларга 4 нафар врач, 9 та тиббий ҳамшира ва 29 та санитария-гигиена ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Эрталабки нонушта ва кечки тамаддидан ташқари уч маҳал иссиқ овқат тарқатилади. Бош ошпаз Жумабек Саитмуротов ва унинг ёрдамчилари Саида Далихонова, Элмира Соғиндиқова тайёрлаган миллий таомлар ўзининг хушхўрлиги ва сифатлилиги билан хўрандаларга манзур бўлаяпти,

Бинонинг иккинчи қаватидан даволаш-муолажа хоналари жой олган. Ички касалликлар, гинекология, физиотерапия, тиш даволаш, лаборатория ишлаб турибди. Асаб касалликлари шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Шарибой Алуовов, гинеколог-врач Гулжон Ботирова, ички касалликлар бўйича мутахассис Муҳаббат Аллаёрова, «Дўстлик» ордени соҳибаси навбатчи ҳамшира Анор Узоқбоева, физиотерапия хонасида муолажа ўтказаётган Қулаш Дуйсенова, Гўзал Серебекова, лаборант Ўрингул Нажмиддинова кабилар тарбияланувчилар атрофида парвона.

Мурувват уйида 144 нафар хотин-қизлар истиқомат қилишади. Наташа Темирбоева, Галия Ўринбоева, Пердигул Мирзамуротова каби аёллар билан суҳбатлашганимизда яратилган шароитдан, ходимлар хизматидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Ногиронлар, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш юксак инсоний фазилат. Чорак асрлик иш тажрибасига эга бўлган катта ҳамшира Анора Узоқбоева Мурувват уйида яшовчиларга ҳар йили ўз ҳисобидан 3-4 марта ош дамлаб беради. Каримбой Қулжонов раислик қилаётган «Хўжайлигуруч» очиқ ҳиссадорлик жамияти озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берган бўлса, Очил Ибрагимов раҳбарлигидаги «Хўжайлигўшт» корхонаси музлатгич тақдим этди. Нукуслик опа-сингил тадбиркор Элмира ва Гулмира Шариповалар кийим-кечак, болалар ўйинчоқлари совға қилишди. Йўл қурилиши шуъба корхонаси таъмирлаш юмушларига кўмаклашди. Республика «Экосан» халқаро жамғармаси 3 миллион сўмлик иссиқ кийимлар, дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари етказиб берди.

Инсон доимо меҳрга интилиб яшайди. Давлатимиз паноҳи ва ҳомийлар кўмагида бўлган «Мурувват» уйи ҳаёти билан танишган киши бу мунаввар масканда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаётгани ва ҳеч ким эътибордан четда қолмаганлигига ишонч ҳосил қилади.

**Иззат ҲИКМАТ**

## ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲА ҒОЛИБИ

Жанубий Кореядаги «LG Electronics» компаниясининг Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда тайёрлаган лойиҳалари «Грант LG» ва «Йилнинг энг яхши ғояси» деб номланади. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари учун махсус яратилган бу лойиҳалар ғолиблари грант эгалари бўлишади.

Ўтган ўқув йилидаги лойиҳа ғолиблари аниқланди. Шу муносабат билан Тошкентда «LG-Electronics» компанияси вакиллари иштирокида конференция уюштирилди. Унда энг яхши лойиҳа муаллифи деб топилган Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан Асрор Йўлдошев ва бошқалар муносиб тақдирландилар. Уларга Жанубий Кореяга сафар қилиш учун бепул йўлланмалар ҳам топширилди.

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТЎПЛАМ

Олий таълим тизими ходимлари учун ташкил этилаётган малака ошириш курслари машғулотларига кўплаб тингловчилар жалб этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги олий педагогика институти орқали ҳам бундай ўқув машғулотлари кенг йўлга қўйилмоқда.

Тингловчиларга ёрдам сифатида қатор янги илмий-услубий қўлланмалар яратилди. «Малака ошириш ўқув режа ва дастурлари» деб номланган ўқув-услубий тўплам эса кўп нусхада чоп этилди.

Ижтимоий-гуманитар, табиий, янги ахборот технологиялари фанларини ўз ичига олган бу нашрда педагогика, психология, ўзбек тили ва адабиёти, биология, экология каби фанлар ўқув дастурлари ҳам ўз ифодасини топди.

Ушбу тўплам малака ошириш ўқув режа ва дастурлари билан яқиндан таништирувчи қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**А. АЛИЕВ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Фарғона вилояти қўмитасининг Қўқон шаҳри бўйича вакили Собиржон Саидхўжаевга онаси

**МУНАВВАРХОН** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 23456